

Чор Русиясининг Марказий Осиёни узок йиллар мустамлака кишанларида тутиб тургани тарихдан маълум. Уларнинг бу улкан худудни ўз тасарруфларида тутиб туришларининг асл максади ўзлари даъво килгандай Туркистон халкларига тараккиёт ва маданият олиб келиш эмас, мазлум халкни тинимсиз ишлатиш хисобига топилган бойликларни юртларига ташиб кетиш, кўп йиллар гуллаб-яшнаган ўлкани иложи борица талон-тарож килиш эди. Бунга узокдан дадил кидирмайлик-да, яхшиси мустамлакачиларнинг вакилларига ва кўзи очик мутафаккирларнинг сўзларига мурожаат кила қолайлик: Бу халкка (ўрта осиеликлар — туркистонликларга) иложи борица, мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халkning бошка нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хохиши қолмасин... Амир исёнкорларидан бирортаси ҳам асир олинмасин, қулга тушганларнинг ҳаммаси, ҳаттоки ярадорлар ҳам отиб ташлансин!... Биз хон билан эмас, балки халк билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади, Руслар Ўрта Осиёда бундай (Кўкондагидек) узок ва каттик қаршиликка дуч келмаган эдилар...

Улуг рус подшохи бизга кўшни давлатларда хон ва халк ўртасида низо чиқишига йўл қўймаслигига инончимиз қолди...

Фон Кауфман, Туркистон генерал-губернатори.

Ўлкани (1860-70-йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистонни) руслар эгаллаганидан кейин аҳолининг аҳоли қўнғондан-қўнғонга ёмонлашиб ва оғирлашиб борди. Аҳолидан биз кўп нарсани талаб этмоқдамиз. Улардан солиқ йиғишда эса биз тобора юксаликка кўтарилмоқдамиз, лекин халкка нима қилдик? Тошкентда ва турли комиссияларда айтилган сўзлардан бошка халк хўжалиги учун биз ҳеч нарсани қилмадик.

Ч. Раевский, чор Россияси амалдори.

Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириши мумкин бўлибгина қолмай, балки шундай қилишга мажбурдир. Бу фойдалар Россиянинг ўлкани истило қилиш давридаги ҳамда қурилиш ишларига кетган харажатларни қоплаши керак.

Россия империяси ҳарбий вазирлигининг 1906 йил март ойида граф Вите жаноблари номига йўллаган мактубидан.

Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, ҳатто масжидларга қўнғирок осиб харажатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини қўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар...

Туркистонда ишлатилмоқда бўлган ерларнинг 55 фоизи рус қелгиндиларининг қўлига ўтди. Шундай қилиб, чор ҳукумати Туркистонда ерли халкларни эзидан бошка ҳеч бир иш қўрсатмади. Ўзининг кетинда (орқада) қолганлиги ва фойдалана олмаганлиги сабабли, чор ҳукуматининг энг бой бўлган тоғ маъданларини ишлатишга ҳеч қимга ихтиёр бўлмади...

Турор Рискүлов, давлат ва жамоат арбоби.

Биз Туркистонга маданият олиб қелдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиеликларга тинчлик ва осойишталик бердик, деб ўзимизни овутаимиз. Аммо буларда (туркистонликларда) ҳам бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир.

Мусулмонлар ахволини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим (миллий давлатчиликнинг йўқотилиши) огир, миллий ўлим эса ундан ҳам огиррокдир. Бизнинг ҳукмронлигимизда улар худди шундай ахволга тушдилар. Бас, шундай экан, ҳукмронлигимизга қарши галаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқлигидан қатъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак.

Н. Н. Веселовский, тарихчи.

Агар рус ҳукумати ўз даврида илм-фаннинг қанчадан-қанча яловбардорларини етказган шонли араб мадрасаларини мусулмон фуқаролари учун рус замонида қайта тиклаганларида эди, Ватан ва инсоният олдида буюк хизмат қилган бўларди...

Биз — туркий халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий этнографик бирлик ўларок яшаб келдик, худди шундай яшамоғимиз керакдир...

Руслаштириш авжида, Идил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, масжидга имом ҳам миссионер Н. Илминский рухсатисиз тайинланмайди.

Туркистонда Остроумов тўра, Кавказнинг ҳам ўз тўралари (руслар)дан бошқасини миллат деб ҳисобламайдилар...

Исмоилбек Гаспирали, буюк маърифатпарвар адиб.